

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШНИНГ МАҚСАДЛАРИ, САМАРАДОРЛИК ОМИЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ТЎҒРИСИДА

М22-16 гуруҳ магистранти Исокулов А.Х.

Илмий рахбар: т.ф.д., проф. Арипов Н.М.

Мақолада модулли ўқитишнинг мақсадлари, самарадорлик омиллари ва асосий таркибий қисмлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ҳар бир алоҳида модул учун глоссарий, маърузалар, мултимедиа маърузалар, амалий машғулотлар учун материаллар, лаборатория машғулотлари учун материаллар ва бошқа материалларни тайёрлаш тавсия этилган.

В статье приведены сведения о целях, факторах эффективности и об основных составных частях модульного обучения. Для каждого отдельного модуля рекомендуется подготовить: глоссарий; лекции; мультимедийные лекции; материалы для практических занятий; материалы для лабораторных работ и другие материалы.

In the article contains information about goals, efficiency factors and the main components of module training. For each individual module it is recommended to prepare: glossary; lectures; multimedia lectures; materials for practical classes; materials for laboratory works and other materials.

“Модулли ўқитиш” термини халқаро тушунча модул билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси – фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради [1]. Бу маънода у модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган ахборот блоки сифатида тушунилади.

Модул фанининг фундаментал тушунчаларини маълум ходиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади. Модул бу ўқув материалнинг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир нечта фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратил-гандир [2].

Фанининг тушунтирув аппаратининг қатъий тизимли (кўп қиррали) таҳлили асосида, энг самарали модул тузилади. Бу эса фундаментал иборалар гуруҳини ажратиш материални мантиқан ва компакт гуруҳлаш имкониятини беради.

Модул мустақил таркибий бирлик бўлгани учун, баъзи ҳолларда, алоҳида талабаларга фанни тўлалигича эмас, балки фақатгина бир қатор модулларини тинглаш имкониятини беради. Бу эса иқтидорли талабаларнинг индивидуал ва мустақил ишларини оптимал режа-лаш имкониятини туғдиради.

Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади: ўқитишнинг (фанлар орасида ва фанининг ичида) узлуксизлигини таъминлаш; ўқитишни индивидуаллаштириш; ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш; ўқитишни жадаллаштириш; фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Шундай қилиб, модулли ўқитишда талабаларни ўз қобилятига кўра билим олиши учун тўла зарур шарт-шароитлар яратилади.

Ўқитишнинг модулли тизимига ўтиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади: ўқув муассасасининг моддий-техникавий базаси даражаси; профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси; талабаларнинг тайёргарлик даражаси; кўзланган натижаларни баҳолаш; дидактик материаллар ишлаб чиқиш; натижаларнинг таҳлили ва модулларни оптималлаштириш.

Модул ўз ичига 2...3 маъруза ва шу маърузалар билан боғлиқ бўлган амалий дарслар ва лаборатория ишларини қамраб олиши мумкин.

Ҳар қайси модул бўйича қуйидаги материаллар тайёрланади: силлабус; глоссарий; маърузалар; мултимедияли маърузалар; амалий машғулотлар учун материаллар;

лаборатория ишлари учун материаллар; мустақил ишларнинг мавзулари; курс иш ёки лойихаси учун материаллар; талабаларнинг билимини назорат қилиш учун саволлар; тестлар.

Модулли ўқитишга ўтишда қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилади:

а) ишчи ўқув режани чуқур таҳлили асосида, ўзаро чамбарчас боғлиқ фанлар гуруҳи аниқланади, яъни бутун ўқув режаси алоҳида макромодуллар тўплами сифатида қаралади;

б) ҳар қайси модул бўйича қуйидаги материаллар тайёрланади: талабаларнинг билимини назорат қилиш учун тестлар; индивидуал ишлар учун топшириқлар; мустақил ишлар учун топшириқлар; ўқув-услубий тарқатма материаллар; ўқув-илмий адабиётлар рўйхати; ишчи ўқув дастур;

в) ҳар бир модул тест-синовлари билан тугалланиши лозим: жорий модул учун бу ўтилган материалнинг назорати бўлса, кейинги модул учун эса бу кириш (бошланғич) назорати бўлади;

г) ҳар қайси модул учун тарқатма ва тасвирли материаллар тўплами тузилади ва улар талабага машғулотдан олдин берилади;

д) модул тавсия қилинадиган адабиётлар билан таъминланади.

Ҳар бир талаба материалларни ўзлаштира бориб, бир модулдан иккинчи модулга ўтади. Иқтидорли талабалар бошқаларга боғлиқ бўлмасдан тест синовларидан ўтишлари мумкин. Педагогнинг вазифаси – информацион назоратдан бошлаб, маслаҳат мувофиқлаштирувчигача ўзгариши мумкин.

Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган ахборотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модулнинг амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилади, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдиради. Талабалар маълум амалий кўникмаларга эга бўладилар.

Маърузалар матнини тайёрлашда, структуралаш ва тизимлаш усулларини қўллаб, материалларни блок-схема, расмлар блоки кўринишида тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда материалнинг ўзлаштириш самарадорлиги ошади, чунки: модулнинг пировард мақсади тушуниб етилади; ўқув материалининг элементлари орасидаги боғлиқланишлар ва унинг ўтишлари яққол кўрсатилади; асосий жиҳатлари ажратиб кўрсатилади; ўқув материалининг (модулнинг) бутун ҳажми кўз олдида гавдаланади.

Модул тизимида ўқув материалининг мазмунини структуралашда энг аввало ахборотни “сиқиш” вазифаси кўзланади.

Билимларни тўла фойдаланиш учун қулай ҳолда тақдим этилишига ҳаракат қилиш лозим. Ўқув ахбороти бир вақтнинг ўзида 4 хил – расмли, сонли, символли ва оғзаки кўринишда узатилганида энг мустаҳкам ўзлаштиришга эришилади. Модулли таълим методикасини тузишда бу ҳолат асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қайси модул бўйича расмлар блокларида символли аломатларни (саволлар қўйилиши тарзида) жойлаштириш, саволларни расм тарзида тасвир этиш, ифодалар, жадваллар, графиклар ва услубий кўрсатмаларни тақдим этиш, мақсадга мувофиқ бўлади. Расмлар блоки, схемалар блоки ва бошқа суратли (кўргазмали) материаллар талабалар учун тарқатма материал вазифасини ҳам бажарадилар. Шу билан бир қаторда ҳар бир фан, жумладан модул учун атамаларнинг изоҳли луғатини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усулларни қўллаш лозим: ақлий ҳужум, муаммоли мулоқотлар, эвристик суҳбатлар, ўқув ўйинлар ва ҳоказо.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари намоён бўлади: фанлар, фанлар ичидаги модулар орасидаги ўқитиш узлуксизлиги; ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлиги ўрнатилиши; фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчилиги; талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат қилиниши; талабаларнинг зуд-лик билан қобилиятига кўра табақаланиши; ахборотни “сиқиб” бериш натижасида, ўқишни

жадаллаштириш, аудитория соатла-ридан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини, маърузавий, амалий машғулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни оптималлашти-риш. Буларнинг натижасида, талаба етарли билимларга ҳам, кўникмага ҳам, ўқувга ҳам эга бўлади.

Меъёрий ҳужжатлар модули давлат таълим стандарти ҳамда ушбу фан бўйича ўқув дастурининг матнларига эга бўлиши керак.

Ўқув модули таркибига кирувчи маърузаларнинг электрон курси уч қисмдан иборат бўлиши мумкин: кириш, электрон гиперматнли маърузалар ва маъруза машғулотларига презентациялари.

Кириш бўлими талабаларни ўқув ахборотлари билан ишлашдаги фаолиятини мақбул-лашга қаратилган маълумотларга эга бўлиши керак. Бўлим модул мазмуни таркиби бўйича олиб юрувчи (навигатор), унинг ёрдамида қай тарзда самарали билим олиш учун берилган аниқ тавсияларни ҳам ўз ичига олиши зарур. Кириш фақат талабаларга мўлжалланган бўлиб, у қуйидагилардан иборат бўлади: мазмунни аниқ белгиланган мавзуларидан, шунингдек ёндош фанлар бўйича ўқув қўлланмаларнинг рўйхатидан; модулнинг қисқа ва тушунарли ифодаланган ўқув мақсадларидан, бу ўз навбатида талабага таълим фаолияти бўйича қандай натижаларга эришиш мумкинлигини яққол кўрсатиб ҳам беради; ундаги алоҳида параграфларнинг мавзулари, уларни ўрганиш бўйича тавсия қилинаётган вақт сарфларидан; белгилар тўғрисидаги келишувлар ва аббревиатураларни очиқ беришдан; график кўринишлар, модул элементларининг тузилмаси, мантикий, шажарали ва бошқа алоқаларни ифодаловчи блок-схемалар, мантикий схемалар, жадваллар ва бошқалардан; мундарижадан, у ўқув-модулини тўла равишда аниқ ифодалаш ва мазмунига мос келиши керак.

Компьютерли амалиётлар электрон ўқув модулининг ажралмас қисми бўлиб, у ўз навбатида бир неча модуллардан иборат бўлиши мумкин. Мисол учун, электрон услубий қўлланмалар, электрон амалий машғулотлар курси, электрон машқлар тўплами, виртуал лаборатория ишлари бўйича кўрсатмалар ва бошқалар.

Талаба мустақил ишлаши учун воситалар тизими HTML-илова сифатида ишлаб чиқилиб, у Интернет тармоғига йўналтиргичлар модули, электрон кутубхона ҳамда алгоритмлар модулидан ташкил топади.

Шундай қилиб, модулли ўқитишдан фойдаланиб олий малакали мутахассисни тайёрлаш, қуйидагилар асосида таъминланади:

- а) ўқитишнинг узлуксизлиги (бунда фанларни ўзлаштириш самарадорлиги ошади);
- б) ўқитишни жадаллаштириш (бунинг натижасида ахборотнинг кўп қисми, индивидуал ва мустақил ишлаш пайтида, компьютер тармоқлари орқали ўзлаштирилади);
- в) ўқишни индивидуаллаштириш (талаба ўз қобилиятига кўра билим олиш имкониятига эга бўлади).

Адабиётлар

1. Абдуллаев Ю. Хорижий олий таълим: тажриба ва тараққиёт йўналишлари. Т., Ўзбекистон, 1999. 200 б.
2. Авлиёкулов Н.Х. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияси амалий асослари. Б., Муаллиф, 2001. 98 б.
3. Дадамирзаев Ғ., Ваҳобова С. “Модулли таълим мустақил иш учун дидактик мақсадга эришиш воситаси сифатида”. НаМПИ, International scientific journal//www.inter-nauka.com//.
4. Медведева Д.Д., Макаровский А.В., Копытова Н.Е. “Разработка электронных учебно-методических комплексов для подготовки бакалавров”. Психолого-педагогический журнал Гаудеамус, №2(18),2011.